

Моҳира СОТИМОВА


РАЙХОН.
ИФОРИ



«Наманган» нашриёти
2006

84(55) 6-5 Ўзб. баг. 2428,
— Шеърлар

10 32194
0



$$\begin{array}{r} 530 - 114961.04 = 1299150 \\ 531 - 1.0 - (04) - 06 \end{array} \quad 2006$$

«Наманган» нашриёти. М. Сатимова

ОНА МУҲАББАТИ

Ҳаяжонми, орзумикин ёки сабр,
Юрагимни қийнаётган базўр оташ.
Куртагини очмоқдами, ҳасад, кибр,
Түшунолмай, англаёлмай юрагим гаш.

Боғрим тўлиб - тошиб кетар, ҳис-ҳаяжон,
Ўйларимга ета олмай жим қоламан.
Мұҳаббатми, юрак урад бесарамжон
Мен онамнинг мұҳаббатин тан оламан.

Мен ўйлайман, ҳар дақиқа кўзни юмиб,
Тўкинликни, тўқчияликни ким истамас?!
Мен айтаман ёлгонларни четга суреб
Онамдайин мени ҳеч ким чин севоямас.

ИШҚ ДУНЁСИ

Ишқ ёмондир:-пинҳон дилни ошкора деб этар
Ишқ тўфондир:-бир юракни минг пора этар
Бир дунёки, кирмоқ бору чиқмоқ азоб,
Вафодорлик истамасанг этар ҳароб.
Бир дунёки, икки кўча ажраладур,
Бури вафо, бири жафо деб аталур.
Вафо сени жаннатларда жайрон қилар,
Жафо қилсанг, умринг бўйи сарсон қилар,
Қайтмоқ эрсанг ўйлинг тўла оғриқ, қийноқ.
Бу дунёнинг дарвозаси анча йироқ
Ишқ дунёси роҳат дебон ҳаёл сурма,
Ишқ истабон эшигига бора кўрма.

БИЗ ЎЗБЕК ФАРЗАНДЛАРИ

Кел, дўстим, қўлингни қўлимга тутгин,
Юлдузимиз ҳали поғлок бўлажак.
Илмни эгаллаб гамни үнугтигин,
Бизни кутмоқдадур буюк келажак.
Биз буюк бўламиз, орзулар қилиб,
Ойга ҳам қурамиз билим қасрини

*Ватанни севамиз мұқаддас билиб,
Тарихга ёзамиз үзбек асрини!
Шұндаій ёзайлиқкі лол бўлсин жаҳон,
Хар битта сўзида яшасин үзбек!
Бизники ҳуррият, бизники замон,
Дунё тилларидан тушмасин үзбек.
Сен ҳам ошно бўлгин, четда турмагин,
Буюк келажакка ўз ҳиссангни қўш.
Қалбинг тоза айла, нопок бўлмагин,
Шұнда йўламайди бизларга уруш.
Буюклар йўлини босиб изма-из,
Дунёни кезайлик илм отида.
Аҳдимиз пойдор бўлсак, ҳаммамиз,
Номимиз қолади тарих ёдида.*

В А Т А Н

*Эрта тонгда беданалар үйготади,
Келинлари турғандан сўнг тонг отади.
Юртимизнинг кўчалари кенг-ки бираам,
Худди мўъжаз юрагида ой ётади.
Ҳавосининг ўзи дардга дармон бўлур,
Меҳмон бўлинг, келмасангиз армон бўлур.
Кўйлайвериб шуҳратини чарчамайман,
Ёzsам агар унумтилмас достон бўлур.
Тупрагига бошинг қўйиб, болиш дейсан,
Жилдираган ариқларин хониш дейсан,
Санъаткори дуттор чалиб қўшиқ айтса,
Раққосасин бамисоли оққуш дейсан.
Ёмон бўлсанг бу ерларга ярашмайсан
Яхши эрсанг ўзга юртга алишмайсан.
Боглари бор, bogларида мева бисёр,
Ватанимни жаннат десанг янгишмайсан.*

БОБУР БОБОМ

Ҳиндиистонда менинг бобом изи қолган,
Ҳумоюнни лол айловчи сўзи қолган.
Бу дунёда рўзи бирла ўзи қолган,
Дунё тургунча тургайсиз, Бобур бобо!
Ватан ёди қалбингизда армон бўлди
Ҳинд ҳавоси жонингизга дармон бўлди!
Ўв барибир, шухратингиз осмон бўлди,
Дунё тургунча тургайсиз, Бобур бобо!
Кўзларимда согинч ёши мил-мил тўлар,
Баргга тушса чидаёлмай-ниҳол сўлар.
Осмон узра Аграда эх, юлдуз сўнар,
Дунё тургунча тургайсиз, Бобур бобо!

БЎЛГАЙ

Бир қарашинг минг дардимга шифо бўлгай
Кетар бўлсанг, юз жонимга жафо бўлгай
Эй кўзлари жайрондайин нозик гулим,
Ёлаиз этма, тақдир айри дарё бўлгай.

Согинчларда соҳир кўзим адo бўлгай,
Ошик жоним ишқ йўлида фидо бўлгай.
Кетдим, дея қўлни силтаб кетар бўлсанг
~ Қайтгин ~ дея суйғанларим садо бўлгай.

Деразамдан бир боқмайин ўтсанг ёрим,
Оташингда ёниб сабрим адo бўлгай.
Кўзларингни кўриш учун очиқ кўзим,
Бу дунёда фақат сенга ото бўлгай.

ШЕЪРИМ

Ёлгон демонг түйгүларимни
 Йүқотганман үйкүларимни
 Баатш этганман сенга боримни
 Фақат үзинг дүстимсан, шеърим!

Мен яшайман юракларингда,
 Күч бўламан билакларингда.
 Рўёб бўлай тилакларингда
 Дунё ичра боримсан, шеърим!

Қўлларимдан сени қўймайман,
 Сени ўқиб кувноқ ўйнайман.
 Сен бор учун эрта сўнмайман
 Қалбимдаги бир дардим, шеърим!

ҲАЗИЛ ВА ЧИН

Ҳазилнинг ўз ўрни бор
 Унга ҳам вақт келади.
 Айтганинг чин деб билса
 Қалб кўзгуси синаоди.

Сўнг унга боқолмайсан,
 Чорасин ҳеч излама.
 Ҳаётда бир шиор бор
 Ўйламасдан сўзлама.



БАХТ

*Азизим, тик боқгил гүзал җаётга
Дүнёда кулганга омад ёрмикин?!
Үзимни тошлайми сүвга ё үтга
Бахтиёрлар айтинг, баҳтим бормикин?!*

*Пешона кенг бўлса давлат келармиш,
Балки бу пешонам жуда тормикин.
Омадинг келмаса ҳар не бўлармиш
Бахтиёрлар айтинг, баҳтим бормикин?!*

*Майсалар ёмғирни кутғани каби
Кўзларим кулгуга шунча зормикин?
Ҳар куни тонгларим отгани каби
Бахтиёрлар айтинг, баҳтим бормикин?!*

БАХТЛИМИСАН

*Бемор кўнгил, беғубор кўнгил
Яна қанча қийноқларинг бор
Алдоғларга кенг макон кўнгил
Мендан кетиб баҳтлимисан, ёр?*

*Мен-ку куйиб кулга айландим
Қўшик бўлиб сенда куйландим
Яна бугун сени ўйладим
Мендан кетиб баҳтлимисан, ёр?*

*Тақдиримга тан бераман мен
Ёлағонингдан оҳ, ураман мен
Баҳтлиман де, суюнаман мен*

Мендан кетиб баҳтлимисан, ёр?
Рашк түфайли мени қийногим,
Сүйганиммүр ёлгиз гүнохим.
Сендан фактот шудир сүрөгим
Мендан кетиб баҳтлимисан, ёр?

МЕНГА ҲАМ ҚУЁШ КУЛАДИ

Омадингиз келса құлни беш қилманг,
Битта сүз билан күзни ёш қилманг,
Омадсизлигимни менга пеш қилманг,
Менга ҳам бир күни омад кулади.

Баъзида бу йүлда тойиб кетаман,
Битта омад билан бойиб кетаман,
Жонимдан гоҳо түйиб кетаман,
Менга ҳам бир күни омад кулади.

Ҳар қайси пайтда соглом бўлсангиз,
Ҳар кунги тонгларга салом берсангиз,
Онажон, сиз мени дуо қилсангиз,
Менга ҳам бир күни омад кулади.

СЕНИ ЭСЛАБ

Юрагимни ўзинг билан олиб кетдинг,
Бугун эса юраккинам түйгүга зор.
Гул богимда бойчечаклар униб чиқди,
Баргларида худди сенинг чиройинг бор.
Қара, бугун атир гулинг гүнча бўлди,
Худди сени кўзларингдай соғ, бегубор.

Күшлар учиб келганига анча бўлди,
Чугурида худди сенинг сўзларинг бор
Мана, карарайхонларинг гуллади хўп,
Хушбўй атри сенинг каби нафис, беор.

Ҳар шоҳида кипригингдай, уруги кўп,
Баргларида худди сенинг нозларинг бор.
Сен севардинг қишининг оппоқ тунларини
У ҳам кетиб ўлкамизга келди баҳор.
Босиб олдим сени эслаб согинчимни
Кутгун мени ёнгинангга боришим бор.

БАХТ ЁР БЎЛСИН

Тош тепганга тор дунё,
Яхшиларга ёр дунё,
Ҳар кишининг қалбида
Бир севгиси бор дунё-
Сочи узун қизларни,
Дили мамнун бўлармиш,
Қалби гўзал қизларнинг
Кўзи маҳзун бўлармиш.
Ҳаётга тўйдим дема,
Ёримдан куйдим дема,
Шунинг учун дунёда
Ҳар кимни суйдим дема.
Кўнглиниг бегубор бўлсин,
Қўлларинг думтор бўлсин,
Ҳай ўзбегим қизлари
Сизларга баҳт ёр бўлсин.

ЯХШИ ДЕМА ЁМОНИ БОР

*Атиргулни чиройли дема,
Үткір-үткір тиконлари бор.
Сен ёрингни гүзалсиз дема,
Сен билмаган ҳийлалари бор.*

*Дүч келганга меңрибон бўлиб,
Боқаверма гумонлари бор.
Ҳар янтоққа соябон бўлиб,
Суянмагин тиконлари бор.*

*Соддагина беозор калбинг,
Ҳар кимсани суювермасин.
Қийнамагин ўзингни ўзинг,
Ҳар бирини маккорлари бор.*

*Яшаш керак, курашиш керак,
Ҳар нарсадан қилаөверма ор.
Ҳар кимсани ўрни бир бўлак,
Инсоннинг ҳам инсонлари бор.*



АЙРИЛИҚ

Мен ёниб чүгларга айланыб қолдим,
Чүгдай түпрокларни қучиб боряпман.
Ойдин хаёлларга бояланыб қолдим,
Уларга құшилиб учиб боряпман.
Юрагим ханжари үзимга ботди,
Ботди-ю юрагим үрмади бир бор.
Жисмимдан құвантининг құшлари кетди,
Кетгани қайтиб келмади бир бор.

ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Чигиртка чириллар ҳовуз четида,
Гүёки, кимнидир нола, фарёди.
Қурбака сайрайди сүбнинг бетида,
Ахир, бу осуда қишлоқ ҳаёти.

Сойларда оқади сүвлари тошиб,
Далада подалар үтлаб юради.
Одомлар далага кетар шошилиб,
Олдинда уларни ҳосил қутади.

Түлпорлар кишиайди күкка сапчиниб,
Хүроэллар қичқирап эрта саҳардо.
Она ер боярида майса күриниб,
Ишлар күзгалади эрта баҳорда.

Қаранг, бошоклабди сердосил бүгдой,
Меднаткаш дәжконнинг бисотидир шу.
Қуёш ботади-ю чиқар аста ой,
Осуда қишлоқнинг ҳаётидир шу.

ЎЗБЕК ЙИГИТЛАРИ

*Жуда кенг қанот қоқар,
Ҳуб, тогнинг бургутлари.
Мардларча кўзга боқор,
Ўзбегим йигитлари.*

*Тоғларни талқон қилар,
Ҳар ишга қалқон бўлар.
Яҳшиликнинг йўлида
Бир тану бир жон бўлар.*

*Куч бағишлиар торига,
Гард юқтирмас орига.
Ўзбекнинг йигитлари
Ишонади ёрига.*

СҮЙГАНИНИ АЙТМАЙДИ

*Қўлларим осмонга етмайди,
Карвонлар кетганча қайтмайди.
Кўчамизда соддагина қизча бор
Суйганин сўрасак айтмайди.
Ҳар куни қўлида супурги,
Кўчада бесабаб юрмаиди.
Атайн кулгили гап айтсак,
Бир бора жилмайиб қўймайди.
Сочига кўзмончоқ тақади
Кўзлари кўпларга ёқади.
Берилиб юзига боксангиз,
Хаёллар сойида оқади.
Катталар олдидан ўтганда
Ҳеч қачон саломисиз кетмайди.
Кўчамизда соддагина қизча бор
Суйганин сўрасак айтмайди.*

БУ ДУНЁДА СЕН ЙЎҚСАН

(ЧИН ёР МОЛДСИ)

Боғларда баҳорнинг шаббадаси бор,
 Ўрик гулларининг соғиф нафаси бор.
 Ҳамон баҳтимизни алангаси бор,
 Лекин бу дунёда сен йўқсан, гўзал.
 Ўрик гулларидаи учиб кетдингми?
 Иссик тупроқларни қучиб кетдингми?
 Ширин баҳтимиздан кечиб кетдингми?
 Ёруғ дунёларда сен йўқсан, гўзал.
 Кеча дўстлар билан тўлди кошонам
 Акам, опа-синглим, меҳрибон онам.
 Бир инсон етишмас ҳатто ўша дам
 Шундай күнларимда сен йўқсан, гўзал.
 Менинг юрагимда қалбинг бор энди,
 Ҳаётим тинчидага қадринг бор энди
 Кўзимнинг остида қабринг бор энди
 Лекин бу дунёда сен йўқсан, гўзал.

ВИЖДОНИ ПОК ОТАЛАР

Бизга айтмай кўнгил сирини,
 Аста берар кўзи нурини,
 Яшар асраб ор, гурурини,
 Виждони пок азиз оталар.
 Биздан умид қилиб яшайди,
 Бисмиллоҳ деб ишин бошлийди,
 Аслида пайгамбарга ўхшайди,
 Нияти пок азиз оталар.
 Фарзандига баҳш этар иймон,
 Улар эрур ҳаётга посбон,
 Доим бўлмийш баҳтиёр омон,
 Баҳтимизга азиз оталар.

СОДДА ЎСГАНМАН

Фақат шеърга змас пинжон юрагим
Шоира бўлишмас орзу тилагим.
Тўгрида, кимларга бўлмас керагим,
Гўзал қишлоқларда ўсганман фақат.
Бошгинамда оддий рўмолгинам бор,
Кўзларимда жиддий ҳуморгинам бор.
Момомдан қолган туморгинам бор,
Гўзал қишлоқларда ўсганман фақат.
Икки ёни ариқ оддий кўчадан
Кўп баҳра оламан бир туп арчадан
Ёлғиз шеърим қолар бугун, нечадан,
Гўзал қишлоқларда ўсганман фақат.

МУРУВВАТЛИ БЎЛИБ ЯШАЙЛИК

Бирга яшайпмиз шу замонларда
Ҳар инсондан бўлсин яхши фазилот
Ўтаётган лаҳза ҳар бир онларда
Жаранглаб бонг урсин меҳр-муравват
Ширин сўзлар айтиб қалби синиққа,
Келажакка шаҳдам қадам ташлайлик.
Инсонмиз, ҳаттокази, бутун борликка,
Меҳр-мурувватли бўлиб яшайлик.



МУНДАРИЖА

Она мұҳаббати	3
Ишқ дүнёси	3
Биз ўзбек фарзандлари	3
Ватан	4
Бобур бобом	5
Бўлгай	5
Шеърим	6
Ҳазил ва чин	6
Бахт	7
Бахтлимисан	7
Менга ҳам қуёш кулади	8
Сени эслаб	8
Бахт ёр бўлсин	9
Яхши дема ёмони бор	10
Айрилик	11
Қишлоқ ҳаёти	11
Ўзбек йигитлари	12
Суйганини айтмайди	12
Бу дунёда сен йўқсан	13
Виждони пок оталар	13
Содда ўсганман	14
Муруватли бўлиб яшайлик	14

Моҳира Сотимова

РАЙХОН ИФОРИ

Муҳаррир:

М. АКМАЛ

Техмуҳаррир:

Ғ. МУЛЛАБОЕВ

Мусаҳдид:

С. ЯҲЁЕВ

Компьютерда садиғаловачи: И. ТОШХОЖАЕВ

Теришга 3.04.2006 йилда берилди. Босишга 18.04.2006 йилда рухсат этилди. Газета қозозига оффсет усулида чоп этилди. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 1,0 босма табоқ. Адади 500 нусха. Буюртма № 306. Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри, А. Навоий кўчаси, 36-үй, 3-қават.

«Чуст босмахонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-үй.